



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 25 июль, № 151 (9046)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
24 июль куни қатор хорижий мамлакатларнинг етакчилари ва нуфузли сиёсатчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбатлар чоғида хорижий ҳамкорлар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий табриклаб, мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда янги муваффақиятлар тиладилар. Шунингдек, мамлакатимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаklarини изҳор этдилар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқотда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларининг ўсиш суръатини сақлаб қолиш, етакчи корхона ва компанияларнинг sanoat, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишлардаги кооперация лойиҳаларини илгари суриш, икки мамлакат ҳудудларининг самарали ҳамкорлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом эттагани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари бўлажак тадбирлар режасини ҳам қўриб чиқдилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари қўриб чиқилди.

Барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик суръати ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ошмоқда. Металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, логистика, қурилиш ва бошқа устувор йўналишларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Халқаро sanoat кооперацияси марказини ишга туширишга тайёргарлик қўрилмоқда.

Жорий йилда қатор маданий-гуманитар тадбирлар, жумладан, ёшлар, туризм ва таълим форумлари ўтказилади.

Давлат раҳбарлари бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини ҳам қўриб чиқдилар.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан суҳбатда Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ортмоқда, sanoat кооперацияси лойиҳалари, шу жумладан, Қўшма фонд доирасида амалга оширилмоқда. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва Қамбарота ГЭСни қуриш каби йирик минтақавий инфрақурилиш лойиҳалар бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Президентлар бўлажак олий даражадаги икки ҳамда кўп томонлама тадбирлар режаси ва кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш, энг аввало, олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб бораётгани, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шу жумладан, қўшма инвестиция компанияси орқали кооперация лойиҳалари илгари сурилаётгани таъкидланди. Чегара олди савдо марказларини очиш устида иш олиб борилмоқда. Самарқанд ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди. Муҳим маданий дастурлар амалга оширилмоқда.

Етакчилар минтақавий кун тартибидagi масалаларни, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарлик қўришни ҳам муҳокама қилдилар.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан суҳбатда жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш жадал ортиб, корхоналар ва ишбилармонлар даражасида кооперация алоқалари чуқурлашиб бораётгани, фаол маданий-гуманитар алмашинув давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарлик қўриш юзасидан фикр алмашилди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан Ўзбекистон Президентининг шу ой бошида Озарбайжонга амалга оширган тарихий давлат ташрифининг самарали натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Етакчиларнинг бўлиб ўтган учрашувлари ва Давлатлараро олий кенгашининг иккинчи йиғилиши якунида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон — Озарбайжон иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 30 фоизга ошди. Sanoat зонаси ва логистика компаниясини ташкил этишни ўз ичига олган истиқболли кооперация лойиҳалари портфелини шакллантириш устида иш олиб борилмоқда. Нефть-газ соҳасидаги стратегик лойиҳа бўйича Махсулот тақсимиотига оид битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида йирик қўшма тадбирларга тайёргарлик қўрилмоқда.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Беларусь Президентининг ўтган йил февраль ойидаги Ўзбекистонга ташрифи давомида эришилган келишувларни қабул қилинган “Йўл харитаси” асосида амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Турли даражалардаги фаол ва сермахсул мулоқотлар, шу жумладан, яқинда Минск шаҳрида ўтган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва Тошкент шаҳрида ўтган ташқи ишлар вазирлари учрашувининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 28 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Биргаликда маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари бўлажак икки томонлама тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатлараро ҳамкорликда юксак даражага эришилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Турли даражаларда самарали мулоқотлар давом этмоқда, товар ва юк айирбошлаш, инвестиция кўрсаткичлари ўсмокда, қўшма корхоналар сони ва авиақатновлар кўпаймоқда. Маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркия Президентлари телефон орқали мулоқотда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг бўлажак навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик қўришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён билан суҳбатда Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари батафсил қўриб чиқилди.

Тарихий дўстлик ришталари, ўхшаш менталитет, аънава ва қадриятларга асосланган икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва қўшма корхоналар сони барқарор ошиб бормоқда. Корея компания ва ташкилотларининг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 8 миллиард доллардан ошди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Корея Эқсимбанки билан самарали молиявий-техник ҳамкорлик давом этмоқда.

Давлат раҳбарлари икки томонлама шериклигининг янги кун тартибини шакллантириш ва олий даражадаги фаол мулоқотларни давом эттириш муҳим эканини таъкидладилар.

Шу маънода, Ташқи ишлар вазирлари стратегик мулоқоти ва Ҳукуматлараро комиссиянинг бўлажак йиғилишларини самарали ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, “Марказий Осиё — Корея Республикаси” формати доирасидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мўғлистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух билан жорий йил июнь ойида Мўғлистонга амалга оширилган ташриф доирасида ўтган олий даражадаги икки томонлама учрашувлар якунида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қабул қилинган “Йўл харитаси”ни амалга ошириш, чорвачилик, савдо, транспорт, sanoat кооперацияси, кончилк соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинув дастури доирасида режалаштирилган тадбирларни ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш, жорий йил январь ойида БААга амалга оширилган олий даражадаги ташрифда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Устувор йўналишларда, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инновация ва транспорт-коммуникация соҳаларида амалий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми, қўшма инвестиция лойиҳалари портфели, қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони ортиб бормоқда. Яқин мулоқотни давом эттириш ва бўлажак олий даражадаги учрашувларга пухта тайёргарлик қўриш муҳим экани таъкидланди.

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев билан суҳбатда Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида мисли қўрилмаган юксак даражага эришилгани, кўп қиррали ҳамкорлик барча устувор йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан Ўзбекистон ҳамда Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, шу жумладан, самарали парламентлараро ҳамкорлигини янада мустақамлаш масалалари қўриб чиқилди.

Олий даражадаги келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш, sanoat кооперацияси, таълим ва маданият соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш бўйича фаол ҳамкорлигини давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Санкт-Петербург шаҳри губернатори Александр Беглов билан суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳудудларининг Санкт-Петербург шаҳри билан икки томонлама амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш, фаол маданий-гуманитар алмашинувни давом эттиришга қаратилган қўшма чора-тадбирларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

риш борасида эришилган юксак натижалар қайд этилган.

Президентиимизга мустақам соғлиқ ва масъулиятли давлатчилик фаолиятида янги муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!

Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Хитой — Марказий Осиё” иккинчи саммитида Сиз билан музокаралар ўтказиб, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги хар қандай шароитда ҳам стратегик шериклик муносабатларини янги даврда ривожлантиришининг стратегик йўналишларини белгилаб олдик.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман ҳамда ўртаимизда қарор топган самарали амалий алоқалар ва дўстлиكنи юксак қадрлайман. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзинь саммитида ҳамда Хитой халқининг япон босқинчиларига қарши урушидаги Галабаси ва Фашизмга қарши жаҳон урушидаги Галабасининг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этаётганингиз муносабати билан Сизни Хитойда кутлашдан мамнунман.

Сизга мустақам соғлиқ ва фаровонлик тилайман!

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

(Давоми 2-бетда).



САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Туғилган куним муносабати билан чин юракдан муборакбод этиб, ўзларининг самимий қутловлари ва эзгу тилакларини билдирган хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар етакчиларига, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралар вакиллариغا, юртимиздаги меҳнат жамоалари, маҳаллалар, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари фаолларига, тадбиркорларимизга, мамлакатимиз ва чет эллардаги барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Менинг номимга йўлланган ушбу табрик ва тилакларни, аввало, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ва давлатига юксак ҳурмат ва эҳтиром, дунё ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликда амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларимизга, ёруғ келажагимизга ишонч ва эътибор ифодаси сифатида қабул қиламан.

Барча ташаббус ва дастурларимизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган мард ва олижаноб халқимизга яна бир бор чин дилдан фарзандлик меҳрим ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Ишончим комил, эл-юртимизнинг улкан яратувчиликл меҳнати, азму шижоати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш бўйича ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга албатта етамиз.

Чуқур ҳурмат ва энг эзгу тилаклар билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Анжуман арафасида

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ



Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида шу йил 28-29 август кунлари бўлиб ўтадиган учинчи Ўзбекистон — Беларусь аёллари бизнес форумига тайёргарлик қўриш ҳамда уни юқори даражада ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Сенаторлар, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мажлисда форумни юқори даражада ташкил қилишга, унинг доирасида ўтказиладиган муҳим тадбирларда илгари сурилдиган асосий устувор йўналишларга, жумладан, машина-созлик, қишлоқ хўжалиги ва энгил sanoat, тиббиёт, таълим ва туризм соҳала-

рига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, форум доирасида икки давлат халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини ташкил этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Тадбир якунида учинчи Ўзбекистон — Беларусь аёллари бизнес форумини юқори даражада ўтказиш бўйича парламент, вазирлик ва идоралар олдида турган асосий вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ



Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ахборотида кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига вазирлик ҳамда унинг тизим ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслардан 52 590 та муրожаат келиб тушган. Уларнинг 27 681 таси ижобий ҳал этилган, 18 393 тасига тушунтириш берилган, қолган муրожаатларнинг ечими бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович! Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилин!

Сизнинг давлат раҳбари сифатидаги бунёдкорона фаолиятингиз Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши, унинг халқро нуфузини мустаҳкамлаш ва фуқаролар фаровонлигини юксалтиришнинг ишончли пойдевори бўлди. Оқилона ва узоқни кўра биладиган раҳбарлигингиз остида мамлакат кенг кўламли ислохотлар йўлидан дадил олға бормоқда.

Сизнинг Қозоғистон билан яхши қўшничилик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъий интилишингизни чин дилдан қадрлайман. Мамлакатларимиз ўртасида икки қардош халқнинг бой тарихий мероси, муштарак маданий қадриятларига таянган ишончли муносабатлар қарор топган.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама ҳамкорликда эришилган ютуқларни янада кўпайтирамиз ҳамда Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янги марраларга олиб чиқамиз.

Ушбу қутлуг кунда Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-ғайрат, оилавий бахт-саодат, қардош ўзбек халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклайман!

Сизнинг узоқни кўра биладиган қатъий раҳбарлигингиз тугайли Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда сезиларли ўзгаришларга эришди, халқро майдонда ўз мавқеини салмоқли даражада мустаҳкамлади.

Сиз бошлаган ислохотлар — давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ёшлар ва хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш, ҳудудларни ривожлантириш, қўшни мамлакатлар билан яқин алоқаларни мустаҳкамлаш ўз самарасини бермоқда. Ташаббусларингиз ва ижобий сиёсатингиз нафақат қардош Ўзбекистон халқига, балки бутун Марказий Осиё минтақасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қирғиз Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳини мустаҳкамлашга қўшаётган шахсий ҳиссангиз учун Сизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Ўртамиздаги дўстона муносабатларимизни, очиқ ва ишончли мулоқотимизни ҳам алоҳида қадрлайман.

Қардош халқларимиз ўртасидаги яқин ва дўстона муносабатлар, шунингдек, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам изчил мустаҳкамланиб, ривожланиб боришига ишончим комил.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-ғайрат, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва порлоқ келажак тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Қадрли Шавкат Миромонович!

Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман!

Азиз биродарим, ҳаётингиздаги ушбу қутлуг сана муносабати билан энг эзгу тилакларимни қабул қилинг. Сизга мустаҳкам соғлиқ, оила аъзоларингиз ва яқинларингиз даврасида узоқ ва бахтли умр, шунингдек, битмас-туганмас ғайрат ҳамда қардош Ўзбекистон халқи равнақи йўлидаги барча режа ва ташаббусларни рёвбга чиқаришда улкан зафарлар тилайман.

Бугунги кунда яқин қўшнимиз — Ўзбекистон Республикаси Сизнинг вазинм давлат сиёсатингиз, стратегик прагматизм ва сиёсий узоқни кўра билиш қобилиятингиз тугайли шиддат билан ривожланиб, ўзининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ҳам, халқро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ҳам изчил мустаҳкамлаб бораётгани кувонарлидир.

Минтақавий ҳамкорликни дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч каби мустаҳкам тамойиллар асосида ривожлантириш ва кенгайтиришга қўшаётган улкан ҳиссангизни юксак қадрлаймиз.

Тожикистон ва Ўзбекистон халқларининг тарихий яқинлигидан куч олган дўстона муносабатлар ва бунёдкор ҳамкорликни самарали ривожлантириш бўйича Сиз билан домий саъй-ҳаракатларимизни мамнуният билан таъкидламоқчиман. Шу маънода, мен чуқур ишончга асосланган яқин шахсий муносабатларимизга алоҳида эътибор қаратаман.

Ушбу қувончли фурсатдан фойдаланиб, Тожикистон томонининг давлатларимиз ўртасидаги стратегик ва иттифоқчилик шериклигини икки ва кўп томонлама майдонда янада мустаҳкамлаш бўйича яқин ҳамкорликни давом эттиришдан доимо манфаатдор эканини таъкидламоқчиман.

Чин дилдан ва чуқур ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан табриклайман!

Сизнинг оқилона ва узоқни кўра биладиган раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси янада улкан муваффақиятларга эришишига қатъий ишонаман. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона ва

стратегик муносабатларни мустаҳкамлашга қўшаётган шахсий ҳиссангизни юксак қадрлаймиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга умид қиламиз.

Ушбу қувончли имкониятдан фойдаланиб, Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, оилавий фаровонлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, бардавом тараққиёт ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!

Туғилган кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Сизнинг узоқни кўзлаган сиёсатингиз тугайли бугун Ўзбекистон Республикаси барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда, халқро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаб, ўз халқининг фаровонлигини юксалтирмоқда.

Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги қардошлик, яхши қўшничилик ва стратегик муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшаётган шахсий ҳиссангизни алоҳида қайд этмоқчиман. Ишончим комил, кўп қиррали давлатларро ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида муваффақиятли ривожланиб бораверади.

Ушбу ёқимли имкониятдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий етакчиси,
Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович, азиз қардошим!

Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Сиз олиб бораётган узоқни кўзлаган ва чуқур ўйланган сиёсат тугайли Ўзбекистон Республикаси ҳар томонлама ривожланиб, барча соҳаларда салмоқли ютуқларга эришди, иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб, халқро майдонда катта обрў-эътибор қозонди. Буларнинг барчаси Сизнинг буюк давлат арбоби сифатидаги машаққатли фаолиятингиз ва тинимсиз хизматларингизнинг бевосита натижасидир. Қардош Ўзбекистон Сизнинг қатъий раҳбарлигингизда йилдан-йилга янги муваффақиятларга эришиб, ҳаҳон микёсида салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани бизни чин дилдан қувонтиради ва гурурлантиради.

Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги халқларимизнинг қардошлиги, тарихи ва миллий-маданий қадриятларига асосланган кўп қиррали алоқаларнинг бугунги юксак даражада қўтарилишида шахсан Сиз катта роль ўйнадингиз. Сизнинг мамлакатларимиз бирдамлиги ва иттифоқчилиги йўлидаги қатъий ва фидокорона фаолиятингиз Озарбайжонда Сизга нисбатан чуқур ҳурмат ва хайрихоҳлик туйғуларини уйғотди.

Сизнинг яқинда Озарбайжонга давлат ташрифингиз давомида бўлиб ўтган самарали учрашувимизни, ўзаро ишонч, англашув ва самимий руҳида ўтган фикрлашув ва мулоқотларимизни илиқлик билан эслайман. Озарбайжон ва Ўзбекистон Давлатлараро олий кенгашининг иккинчи ййгилиши яқунлари, ташриф доирасида қатор соҳаларга оид ҳужжатлар имзолангани ва муҳим келишувларга эришилгани таҳсинга сазовор.

Азиз қардошим,

Мен ўртамиздаги самимийлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини доимо юксак қадрлайман ҳамда мунтазам мулоқотларимиз, суҳбатларимиз ва биргаликдаги ишларимиздан катта мамнуният изҳор этмоқчиман.

Ишончим комилки, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги авлоддан-авлодга ўтиб келаётган дўстлик, қардошлик ва иттифоқчилик муносабатлари биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз тугайли бундан буён ҳам юксалиб, янги мазмун билан бойиб бораверади.

Ушбу қутлуг айёмда Сизни яна бир бор самимий табриклаб, Сизга ва оилангизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат, қардош Ўзбекистоннинг равнақи, фаровонлиги ва янада тараққий топиши йўлидаги юксак давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар ва янги зафарлар тилайман.

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!

Таваллуд кунингиз билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

Ўзбекистон Республикасининг давлатчиликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва халқро майдондаги нуфузини ошириш борасидаги муваффақиятлари Сиз олиб бораётган сиёсатнинг тўғрилиги, шунингдек, Ўзбекистон халқига садаот билан хизмат қилаётганингизнинг сўзсиз тасдиғидир.

Беларусь — Ўзбекистон дўстлиги анъаналари Минск алоҳида эътибор қаратаётган икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига қатъий ишонч билдираман.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва Ўзбекистон фаровонлиги йўлида янги ва ёрқин ютуқларга эришиш учун битмас-туганмас куч-ғайрат тилайман.

Хурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари, азиз қардошим!

Сизни таваллуд айёмингиз муносабати билан чин қалбимдан табриклаган ҳолда, Яратгандан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва хотиржамлик тилайман.

Муштарак тарихимиз, тилимиз ва маданий қадриятларимиздан қувват олаётган муносабатларимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз тугайли кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бугунги кундаги глобал синовларга қарши Туркий дунёнинг фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаш мақсадида икки томонлама ва кўп томонлама платформаларда, хусусан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга бўлган иродамизга содиқмиз. Айни қатъият Сиз, азиз биродарим томонидан ҳам баҳам қўрилаётгани менга чексиз мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларини таваллуд айёмингиз билан яна бир бор табриклаб, дўст ва қардош ўзбек халқининг тараққиёти ва тинчлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз муваффақиятли давом этишини тилаб қоламан.

Режеп Таййип ЭРДОҲАН,
Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Буюк ва содиқ дўстим!

Туғилган кунингиз муносабати билан Миср халқи ва шахсан ўзимнинг номимдан энг самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига чексиз бахт, фаровонлик ҳамда дўст Ўзбекистон халқининг равнақи, тинчлиги ва барқарорлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ва интилишларингизга муваффақиятлар тилаб қоламан.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

Абдулфаттоҳ АС-СИСИ,
Миср Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни 68 ёшингиз билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг алоҳида стратегик шеригидир. Ҳамкорликнинг узоқ тарихи давомида мамлакатларимиз ўзаро тараққиёт ва фаровонлик йўлида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Умид қиламанки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мана шундай ўзига хос ришталарга таянган ҳолда, турли соҳаларда янада мустаҳкамланиб бораверади. Ушбу мақсадга эришиш йўлида Сиз билан бундан буён ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишга умид қиламан.

Шунингдек, Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган узлуксиз ислохотлар ва очиқлик борасидаги ютуқ ва саъй-ҳаракатларни юксак баҳолайман. Кўп қиррали ҳамкорлик тугайли Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўзаро манфаатли ва келажакка йўналтирилган асосда ривожланишига умид билдираман.

Сизнинг туғилган кунингизда бўлиб ўтадиган биринчи телефон мулоқотимизни ҳамда хар икки томон учун қулай вақтда Сиз билан учрашишни интиқлик билан кутаман.

Сизга ва оилангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасига эса чексиз равнақ тилайман.

Ли Чжэ МЁН,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

Туғилган кунингиз муносабати билан самимий ва илиқ табрикларимни қабул қилинг.

Шу йил июнь ойида боқий мовий осмон юрти — қадимий ва гўзал Мўғулистонда дўстона ва самимий руҳда учрашиб, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаганимизни мамнуният билан эслайман.

Икки халқни азалдан кўчманчилик анъаналари ва тарихий қадриятлар боғлаб туради.

Муҳтарам Президент, Сиз билан биргаликда ушбу эзгу анъанани мустаҳкамлаб, Мўғулистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада юксак, Кенг қамровли шериклик даражасига олиб чиққанимиз ва шу тарика икки томонлама муносабатлар тарихига олтин ҳарфлар билан битиладиган янги даврни бошлаб берганимиздан чин дилдан хурсандман.

Сизга, муҳтарам Президент, ва Сизнинг ажойиб оилангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва энг эзгу тилаклар, дўст Ўзбекистон халқига эса равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Ухнаагийн ХҮРЭЛСҮХ,
Мўғулистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Президент жаноблари!

Туғилган кунингиз муносабати билан энг самимий табрикларимни қабул қилинг.

Фурсатдан фойдаланиб, кеча таваллуд куним муносабати билан менга йўллаган эзгу тилакларингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман.

Тошкент ва Рим ўртасидаги муносабатларнинг муҳимлиги ва изчил ривожланиб бораётганини тасдиқловчи учрашувларимизни алоҳида илиқлик билан эслайман. Бизни тобора жадал ривожланиб бораётган стратегик шериклик бирлаштириб туради ва у бундан буён ҳам муваффақиятли мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораверишига ишонаман.

Ушбу фазйли кунда, муҳтарам Президент жаноблари, Сизга ва оилангизга бахт-саодат тилайман.

Сержо МАТТАРЕЛЛА,
Италия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент Жаноби Олийлари!

Таваллуд айёмингиз муносабати билан Сизга ўзимнинг энг самимий табрикларимни йўллашга ва масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги улкан муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Сизнинг Словенияга жорий йилдаги расмий ташрифингизни катта мамнуният билан ёдга оламан. Айни шу ташриф тугайли Словения Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида турли даражалар ва соҳаларда фаол ва қизгин мулоқот йўлга қўйилди, бу эса мамлакатларимиз ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг келгусида янада кенгайишига бўлган ишончимни мустаҳкамлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Юксак эҳтиром ила,

Наташа Пирц МУСАР,
Словения Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Туғилган кунингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва куч-қувват, Ўзбекистон Республикасини муваффақият ва фаровонлик йўлидан олиб боришда давом этишингизни тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сербия — Ўзбекистон муносабатларини ўзаро ҳурмат, суверенитет ва худудий яхлитликни қўллаб-қувватлаш руҳида ривожлантиришга қаратаётган эътиборингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз янада муҳим аҳамият касб этиб, биргаликдаги тараққиёт учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Москвадаги самимий суҳбатимизни мамнуният билан эслайман ва маданий улугворлик ва халқро мулоқот рамзи бўлган Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО сессияси давомида мулоқотни давом эттириш имкониятига эга бўламиз, деб умид қиламан. Агар иш режангиз имкон берса, олдиндан Тошкентга ташриф буюришдан жуда мамнун бўламан.

Ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам ўзаро манфаатли асосда мустаҳкамланиб боришига ишониб, Сизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Александр ВУЧИЧ,
Сербия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Таваллуд айёмингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий тилакларимни мамнуният ила йўллаш мени чексиз қувонтиради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва халқига янада фаровонлик ва тараққиёт тилаб қоламан.

Самимий салом ва юксак эҳтиром ила,

Шайх Мансур бин Зайд Ол НАҲАЁЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти,
Бош вазири ўринбосари, Президент девони раиси

Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаган:

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон Назарбаев,**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко,**

Россия Федерацияси Хукумати Раиси **Михаил Мишустин,**

Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши раиси ўринбосари **Дмитрий Медведев,**

Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**

АҚШ КОНГРЕССИДА «ЎЗБЕКИСТОН КУНИ» ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Америка Қўшма Штатлари Конгресси биносида “Ўзбекистон куни”га бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Мазкур анжуман АҚШ Конгрессидаги “Ўзбекистон бўйича кокус” аъзолари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги делегация қатнашди.

Тадбир

Тадбирнинг асосий қисми бўлган “Ўзбекистон куни” форумида делегациямиз аъзолари томонидан мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар, ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий хавфсизлик масалаларидаги ёндашувлар юзасидан батафсил маълумот берилди. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, инвесторлар учун яратилаётган шарт-шароит ва очик бозор иқтисодиёти тамойилларига содиқлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда АҚШ Конгресси аъзолари — конгрессмен Трент Келли, сенатор Стив Дэйнс, конгрессвумен Кэрол Миллер ҳамда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси, етакчи халқаро компаниялар ва фондлар раҳбарлари маъруза қилди. Улар Ўзбекистонда



олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни юқори баҳолаб, мамлакатимизни минтақадаги ижобий ўзгаришлар локомотиви сифатида эътироф этишди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати делегацияси АҚШ Савдо ва колатхонасида ҳам учрашув ўтказди.

Мулоқотда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни, ислохотлар самарадорлиги ва икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Америка томони Ўзбекистон билан бу йўналишда стратегик ҳамкорлиқни ривожлантиришга тайёрлигини билдирди.

Шунингдек, АҚШнинг етакчи компаниялари Ўзбекистонда амалга оширилаётган йирик инвестициявий лойиҳаларига, хусусан, Олмаликдаги мис кони лойиҳасига 4,5 млрд. долларлик сармоя ки-

ритишни режалаштираётгани ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳалардаги шериклик, инсон капиталига сармоя киритиш, таълим дастурлари, хусусан, “Ёш бизнес лидерлари” ташаббуси доирасидаги ҳамкорлик лойиҳаларига эътибор қаратилди.

Форум доирасида бўлиб ўтган мулоқотларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши “Ўзбекистон куни”га бағишланган тадбир юқори даражада ўтганини кўрсатди. Унинг Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликка янги туртки бериб, икки томонлама ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга хизмат қилиши эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ОШИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг мажлисида ёқилги-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чораларини такомиллаштиришга оид қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Муҳокама

Сенаторлар кейинги йилларда мамлакатимизда ёқилги-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш йўналишидаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Айни чоғда ушбу соҳада таъсирчан давлат назоратини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги қайд этилди.

Ўз навбатида, ёқилги-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш, электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, газдан ёқилги ёки хомашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Мазкур қонун билан Жиноят кодексига электр, иссиқлик энергиясидан, газ ва сувўтказгичдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ноанқиликларни бартараф этишга, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёқилги-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир қилинишининг олдини олишга ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонун ёқилги-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ўтказилган Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиш ҳолати ҳақида”ги ахбороти эшитувида шу ҳақда маълум қилинди.

Таъкидланганидек, мурожаатларни ижобий ҳал этиш бўйича вазирлик томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вазир ва унинг ўринбосарлари жойларда оммавий сайёр қабуллар ўтказмоқда. Худудларда раҳбарларнинг халқ билан мулоқот қилиши учун маҳаллабый сайёр қабуллар режаси ишлаб чиқилиб, бу бўйича зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

Шунингдек, вазирлик тизими-га энг кўп келиб тушган мурожаатлар юзасидан қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида “Камбағал оилалар реестри” ишга туширилган. “Индивидуал режалар” асосида 1 076 минг аҳолига даромадини оширишга қаратилган 351 мингта хизмат кўрсатилган. Аҳоли

тақлифлари асосида янги 15 турдаги субсидия, 3 турда ссуда, 2 турдаги грант, 1 турдаги лизинг ва кредит ажратиш тартиби жорий этилган.

Мунозаралар давомида депутатлар вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, аҳоли мурожаатларини ҳал қилишда айрим камчиликлар кузатилаётганини қайд этди. Хусусан, депутат сўровларига ўз вақтида жавоб берилмаслик ҳолатлари, вазирликка юборилган аксарият мурожаатлар юзасидан муаллиф номига ҳуқуқий тушунтириш бериш билан чекланаётгани танқид остига олинди.

Депутатлар бу каби ҳолатлар такрорий мурожаатларнинг ортishiга, аҳоли томонидан кўтарилган муаммолар ҳал этилмай қолишига сабаб бўлаётганини таъкидлашди. Мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, вазирлик тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини янада яхшилаш, унга масъул ходимларнинг малакаси ҳамда масъулиятини ошириш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН КАФОЛАТЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори ёки ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида манфаатдор вазирлик ва идоралар, “ақл марказлари”, илмий муассасалар вакиллари иштирок этиб, қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Дастлаб қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва зарурати юзасидан Адлия вазирлиги масъул ходими Бобуржон Донаев тушунтириш берди.

Айтилганидек, бугунги кунда давлат органлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида етказилган зарарни қоплаш ягона қонунчилик ҳужжати билан тартибга солинмаган. Зарарларни бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан қоплашнинг ягона амалиёти мавжуд эмас. Амалда Тошкент шаҳрида зарарлар маҳаллий бюджет маблағларидан ундириб берилган. Шунингдек, етказилган зарарлар учун компенсация ундириш, жумладан, зарарни қоплашнинг регресс тартиби қонун ҳужжатлари билан аниқ очиб берилмаган.

Қонун лойиҳаси билан етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилиш, ҳудудий компенсация жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор, деб топилган давлат органининг мансабдор шахсидан тўлиқ миқдорда регресс тартибда ундириб олиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби белгиланмоқда.

Лойиҳага масъул депутат Абдуманноп Бўриев кўмитанинг ишчи гуруҳи йиғилишларида, сиёсий партиялар фракцияларида депутатлар томонидан кўтарилган масалалар, тақлиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот берди.

Муҳокама давомида депутат Зафар Худойбердиев қонун лойиҳасининг муҳим аҳамиятга эга

эканлигига эътибор қаратиб, ундаги айрим нормалардаги номувофиқликларни бартараф этиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби ва амалга ошириш механизмларини аниқ белгилаш, лойиҳада келтирилган асосий тушунчаларни таҳририй қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи бир қатор тақлифларини билдирди.

Шунингдек, депутат Умид Якубулджоев қонун лойиҳасида келтирилган “маънавий зарар” тушунчасига тўхталиб, қонунчиликда маънавий зарар миқдорини белгилашнинг аниқ мезонлари йўқлиги, бу кейинчалик амалиётда адолатсизликларга сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлаб, мазкур тушунчани киритиш қай даражада тўғри эканлиги юзасидан ташаббускорлардан тушунтириш сўради. Шунингдек, у юридик ва жисмоний шахслардан моддий зарарни ундиришининг тартибини аниқлаштириш лозимлигини қайд этди.

Депутат Дурбек Аҳмедов ҳам ҳамкасбининг фикрини қўллаб-қувватлаб, амалиётда мавжуд айрим мисолларни келтириб ўтди.

Депутат Бахтиёр Артиқов қонунга хилоф қарор ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) аниқ бир шахс ёки ташкилот томонидан содир этилган бўлса-да, зарар дастлаб ҳудудий компенсация жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиб, кейинчалик айбдор шахсдан тегишли давлат органи орқали регресс тартибда ундирилиши билан боғлиқ нормага эътибор қаратиб, мазкур нормани қайта кўриб чиқиш лозимлигини, Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси бу бўйича ўз тақлифларини тақдим қилишини билдирди.

Давра суҳбатида билдирилган фикр ва мулоҳазалар, тақлиф ва тавсиялар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олинадиган бўлди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклик алоқалари кўп асрлик дўстлик, яхши қўшнчилик муносабатларига, ўзаро яқин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асосланганлиги ҳамда дўстона ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ривожланаётгани таъкидланди.

Шуни айтиш лозимки, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси қардош халқларнинг яқин муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича Ўзбекистон ва Туркменистоннинг нуктаи назари ҳамда позициялари бир-бирига мос ва ўхшашдир.

Жорий йил 3 — 5 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов ўртасида бўлиб ўтган учрашув муҳим тарихий воқеага айлани қайд этилди.

Таъкидланганидек, давлатлараро муносабатларда парламент

дипломатиясининг ўрни муҳим аҳамият касб этиб, ана шундай мулоқотлар ўзаро ишонч ва ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлайди.

Учрашувда парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш, икки мамлакат парламентарийлари ўртасида доимий алоқаларни йўлга қўйиш каби масалалар муҳокама марказида бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Туркменистон парламентлари дўстлик гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда олий даражада эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сифати баҳорилиши устидан биргаликда парламент назоратини йўлга қўйиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мулоқот якунида келгуси икки томонлама учрашувлар ва тадбирларга оид “Йўл харитаси”ни шакллантириш, ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини белгилаб олиш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

Маҳаллий Кенгашларда

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Хоразм вилоятининг Гурлан туманида “Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини намунали ташкил этишнинг устувор йўналишлари: муаммо ва ечимлар” мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдиқаримова ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, котибиёт ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Семинарда халқ депутатлари Гурлан тумани Кенгаши фаолиятидаги илгор амалиёт, хусусан, моддий-техник таъминот, қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳуқуқий асосланганлиги, ёзишмалар юритилиши, доимий комиссиялар ва партия гуруҳларининг фаолияти, депутатлик этикаси ҳамда ОАВ билан алоқалар борасидаги тақрибча иштирокчиларга намойиш этилди.

Шунингдек, 2025 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакилилик органилари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди. Кенгаш раёсати ва раис ўринбосари институтларини жорий этиш, ахлоқ нормаларига оид назорат ваколатларини кенгайтириш, депутатлар ва котибиёт ходимлари учун малака ошириш дастурларини йўлга қўйиш каби устувор вазифаларга эътибор қаратилди.

Тадбирда халқ депутатлари Гурлан тумани Кенгашининг қарорлар ижросини назорат қилиш, аҳоли муаммолари ўрганилиши ва ечим топилишига доир иш тажрибасидан амалий мисоллар келтирилди. Бу борада намунали Кенгаш мезонларига жавоб берадиган ташкилий, ҳуқуқий ва ахборот-таҳлилий ёндашувлар алоҳида қайд этилди.

Семинар якунида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали олиб бориш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЭКСПОРТНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН МУҲИМ ВОСИТА

IT-парк — мамлакатнинг рақамли иқтисодиётини ривожлантиришдаги асосий драйвери саналади, IT компанияларнинг ривожланиши учун кулай шарт-шароитлар яратлади. Энг муҳими, уларнинг ташқи бозорга чиқишида экспортни оширишга кўмаклашиш ҳамда мамлакатда IT компаниялар учун замонавий инфратузилма яратишга хизмат қилади.

Очиқ парламент

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоларининг IT-парк резидентлари билан очик мулоқоти бўлиб ўтди.

Депутатлар, Рақамли технологиялар вазирлиги ходимлари, 150 дан ортiқ IT-парк резидентлари, экспертлар қатнашган учрашувда соҳани ривожлантиришнинг долзарб масалалари қизгин муҳокама қилиниб, аниқ тақлифлар эшитилди.

Бугунги кунда барча ҳудудда IT-паркнинг филиаллари мавжуд бўлиб, унинг резидентларига бир қатор имтиёз ва преференциялар тақдим этилган. Хусусан, резидентларнинг экспортини оширишга қаратилган дастурлар ишга туширилган, экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Zero Risk” ҳамда компанияларни жаҳон бозорига киришда ёрдам берадиган “Local to Global” дастурлари жорий қилинган. Шунингдек, улар учун Виртуал офис хизмати, “IT Visa” дастурлари мавжуд.

Бугунги кунда 3 мингга яқин тадбиркорлар IT-парк резидентлиги сифатида фаолият юритмоқда. Эътиборли томони шундаки, ҳудудларда ҳам экспортёрлар ва хорижий компаниялар сони ортiб бормоқда. Айни пайтда

ҳудудлардаги экспортёр резидентлар сони 240 та, хорижий компаниялар 206 тани ташкил этмоқда.

Рақамлаштириш соҳаси экспорти 2017 йилда 700 минг доллар бўлган бўлса, 2024 йил якуни кўра, 900 млн. долларга етган.

Мулоқотда IT компаниялар учун экспорт жараёнларини соддалаштириш, инвесторларга қулай муҳит яратиш, солиқлик тортиш масалалари ва маҳаллий

Шўҳрат ШАРАФУТДИНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўтказилган мулоқот соҳа вакиллари учун нафақат муаммоларни очик муҳокама қилиш, балки улар юзасидан реал ечимлар бўйича фикр алмашиш майдонига айланди. Учрашув давомида билдирилган тақлифлар депутатлар ва Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тизимли равишда ўрганилиб, амалий ҳаракат режалари шакллантирилди.

Хонг-гуй CEO,

«Academy of Korea IT Alliance» компанияси директори:

— Компаниямиз IT-парк билан ҳамкорликда ахборот технологиялари соҳасида ёшлар учун замонавий ва сифатли таълим лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳамизга давлат томонидан жой ажратилгани учун миннатдорлик билдираимиз. Унинг самарадорлигини кўтариш ва таълимни кенгроқ аудиторияга етказиш мақсадида ҳудудни марказга яқинроқ жойга кўчириш имкониятини кўриб чиқишни сўрадик. Депутатлар билан мулоқот чоғида соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор тақлифларимизни ҳам бердик.

«Халқ сўзи».

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.35 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6